



ERORSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

46
(1052)-son

16-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКISTON - RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT OO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ — сифатни назорат қилишнинг муҳим воситаси



Алоқа воситалари ва хизматларининг жадал ривожланиши кейинги йилларда телекоммуникация ускунасининг талаб этиладиган сифатини назорат қилиш воситаси сифатида сертификатлаштириш ўрнини янада оширди.

Бугунги кунда Телекоммуникациялар сертификатлаштириш тизимида иккита субъект — Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш идораси (ТТВ СИ) ва Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синов маркази (ТТВ ССМ) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу корхоналар "UNICON.UZ" ДУК қошида ташкил этилган бўлиб, 1996 йилдан ўзининг тўлақонли фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

12-бет

Сўнги янгилик!

Швециянинг Ericsson компанияси TD-LTE тармоғида 223 Мб/сония тезликда маълумот узатишга эришди. Бу — рекорд натижа.

Синовлар Хитойнинг China Mobile оператори тармоғида ўтказилди.

Хозирча дунё мамлакатларида TD-LTE тармоқлари ётқизилмаган, фақат АКШ (Clearwire), Буюк Британия (Now Broadband) ва Германия (E-Plus)да синов ишлари кетяпти.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Фуруримиз ва бахтимиз	2
■ Қашқадарёда IPTV	3
■ Компания Polymedia: Новые международные отношения с Узбекистаном	6
■ Мутолаа	11
■ Талабалик — олтин давр... ми?	13
■ Аллада ҳикмат бор	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноияжорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Жамоат фондининг атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлиғини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўналишидаги муҳим масалаларни ҳал этишда ННТ ҳамда аҳолининг фаоллигини оширишга йўналтирилган олтинчи грант таллови якунлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Ижтимоий шерикчилик ва жамоат назорати тизимида жамоат кенгашлари роли ва аҳамияти" мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жиззахда Республика байналмилал маданият маркази, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон — ягона уйимиз" шiori остида маданий-марифий ва спорт тадбирлари ўтказилди. Тадбир доирасида корейс миллий маданий маркази вакилларининг кўргазмаси ҳамда "Ўзбекистон — ягона уйимиз" ҳужжатли фильми намойиш қилинди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази, Фонд Форум ҳамда Нагоя университети ҳамкорлигида "Японияда таълим-2012" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада иштирок этган Кунчиқар юртининг ўилаб энг нуфузли университетлари вакиллари, профессор-ўқитувчи ва талабалари мамлакатимиз ёшларига Японияда таълим олиш имкониятлари ҳамда турли грант дастурлари хақида атрафлича маълумот беришди.

"Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилиги болалар жамағармаси томонидан "Мустаҳкам ёш оила" мавзуда акция ўтказилди. Акция давомида ёш оилаларга психологлар, ҳуқуқшунослар, ФХДЭ органлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари томонидан зарур маслаҳатлар берилди. Мехрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари бўлган ёш оилаларга манший буюм ва техникалардан иборат эсдалик совғалари тошпирилди.

Хитой Халқаро савдонинг ривожлантириш кенгаши тасаруфидаги Тижорат департаменти ҳамда ушбу мамлакатнинг Венчжоу шаҳри Савдо-саноат палатасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Ушбу маросимларда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида кўлга киритган кенг кўламли муваффақиятлари тўғрисидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Хитойлик ишбилармонларда "Навоний" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонаси фаолияти катта қизиқиш уйғотди.



"Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртиларида махсус бир дарс сифатида ўргатишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топишириқ тариқасида айтимоқчиман. Токи, унинг-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканлигини ҳис этиб яшасин".

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КОНСТИТУЦИЯ — ҳуқуқий маънавиятни шакллантириш асоси

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини куриш олий мақсаддир. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг, ёш авлоднинг — ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш асосий масалалардандир. Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижроси сифатида фаоллигини кўтариш тараққиётимизни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Мамлакатимиз фуқароларининг, вояга етиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маънавиятини юксалтирмай туриб, ҳуқуқий демократик давлат куришдек олижаноб мақсадларга эришиш душвордир. Бунинг учун, биринчи навбатда, аҳолига, ўсиб келаётган ёш авлодга ҳуқуқий билим бериш, уларнинг том маънодаги ҳуқуқий онгини юксалтира бориш ниҳоятда зарурий масаладир.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш учун нималарга эътибор қаратиш зарур? Бу борада биринчи навбатда ҳар бир фуқаро, хусусан, ҳар бир ёш авлод асосий қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир бўлими, боби ва моддаларини синчиклаб ўрганмоғи, мазмун-моҳиятини қалбига сингдириши лозим бўлади. Конституцияимизни шунчаки ўқишгина эмас, ундаги инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган

кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ҳар бир инсон учун ҳаётий зарурат эканлигини ёшлар англаб етмоғи зарур.

Кўринадики, ёшлар ҳуқуқий маънавиятининг шаклланишида Конституцияимиз асосдир, чунки мамлакатимиздаги қабул қилинаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда амалдаги ҳуқуқий тизимлар фаолияти Асосий қонунимизга асосланади. Демакки, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маънавият шаклланишининг асоси Конституциядир.

Конституцияимиз ёшлар учун туганмас билимлар хазинасидир. Уни мутолаа қилиш ҳар бир ёшнинг тафаккурини бойитади, ҳуқуқий-фалсафий дунёқарашини кенгайтиради, ҳуқуқий маънавиятини юксалтира боради. Бинобарин, сиёсатшуносликда Конституция ҳар бир давлатнинг юзи, оғу-эътибори ҳам дейилиши, бежиз эмас. Конституциянинг давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституция қондалари

доимо ҳукмронлик, биринчилик, таъсис қудратига молик. Яратилаётган бошқа қонунлар конституциявий меъёрларга асосланади, меъёрий ҳужжатлар ҳам шу асосда ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Конституциясининг бутун руҳи, моҳияти, мазмунига инсонпарварлик ғояси сингдириб юборилган. Инсоннинг, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний эҳтиёжларини ҳимоя қилиш Бош қонунимизнинг олий мақсади. Президентимиз айтганидек, "Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мукаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир".

Конституциянинг барча моддаларида инсон ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётини яхшилаш, ҳавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилганлиги билан ҳам ардоқлидир. Шунингдек, Конституциянинг ҳар бир моддасига эътиқод билан ёндашиш, уларни ҳурмат қилиш, қўйилган талаблар ўқувчи ва талабалар томонидан бажарилши ҳаётий эътиқодга айланмоғи зарур.

Мухтасар айтганда, маънавият унсурлари орасида ҳуқуқий билим ҳам алоҳида аҳамият касб этади, ҳуқуқий онги юксак ёшлар келгусида баркамол авлод бўлиб вояга етиши, шубҳасиз.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Гуруримиз ва бахтимиз

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг навбатдаги касаба уюшмалари фаоллари ўқуви Конституцияимиз қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланди. Тадбирни Марказий кенгаш раиси Холиқ Соатов олиб борди. Марказий кенгаш Мустаҳкам оила йилига атаб қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бу галги тадбир ҳам муҳимлиги билан ана шу амалий ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Яқинда Конституцияимиз қабул қилинганнинг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Юртимизда мустақил, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги тараққиётимиз, республикаимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларимизнинг бosh омили эканлигини фахрланамиз. Тадбирда иштирок этган ҳуқуқшунос Эркинбой Абдуллаев Бош қонунимизда белгилаб қўйилган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи, жамиятнинг мустаҳкам бўлиши бўлган оила, мамлакатимизда оилалар учун яратилаётган шарҳ-шароитлар, ўз навбатида, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган қонун ва қонуности ҳужжатлари хусусида батафсил сўз юритди. Жамият

тараққиётида оила муҳим бўйин ҳисобланади. Шу боис ҳам Бош қонунимизнинг XIV боби оилага бағишланган. Давлат оилаларнинг муҳофазасини ҳам таъминлайди. Хусусан, Конституцияимизнинг XIV боби, 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу моддада никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиши ҳам қайд қилинган.

Маълумки, оилада ота-оналарнинг фарзандлари олдида, ўз навбатида, фарзандларнинг ҳам ўз ота-оналари олдида тегишли бурчлари бор. Бу Конституциянинг 64 ва 66-моддаларида ўз ифодасини топган: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттувларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар", "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари хақида ғамхў-

рлик қилишга мажбурдирлар". Оилани асраш, фарзандларни жамиятга фойдаси тегадиган, ҳар томонлама қомил инсон қилиб тарбиялашда ота-оналарнинг зиммасида катта масъулият бор. Фарзанднинг то вояга етувигача қадар моддий таъминотидан тортиб, унга яхши одоб-ахлоқ беришдан ташқари, ота ва она касб-ҳунар эгаллашида ҳам бош-қош бўлишга масъулдир.

Йиғилиш катнашчилари ҳуқуқшуноста ўзларини қизиқтирган қўплаб саволлар билан муурожаат қилишди. Ушбу мулоқот долзарблиги боис ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари назорати бўйича давлат инспекцияси касаба уюшмаси қўмитаси томонидан "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишишди. Бу ҳақда инспекция касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилобар Қосимова ахборот берди.

Фаоллар ўқувида Марказий кенгаш мутахассислари касаба уюшмаси фаолиятида бўлаётган ўзгартишлар, янгиликлар тўғрисида тегишли маълумотлар беришди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида "UZINFOCOM" маркази томонидан "Компютерлаштириш марказларининг бугунги ҳолати, ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш муаммолари" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Тадбирда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг АКТ бўйича масъул ходимлари ва вилоят ҳокимликлари қошидаги Компютерлаштириш марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар қатнашчиларни давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришнинг янги йўналишлари ва тенденция-

си алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари



Компютерлаштириш марказлари

Ахборот жамияти қуришда уларнинг роли катта

лари билан таништириш, тажриба алмашиш ва давлат органлари ахборот ресурсларини ривожлантириш бўйича мутахассислар тавсияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, вилоят ҳокимликлари хузуридаги Компютерлаштириш марказларининг замонавий ахборот технологияларини амалиётга янада кенг жорий этишдаги ролини кучайтириш каби мақсадларда ташкил этилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан барча давлат органлари фаолиятига янги ахборот тизимлари ва технологияларини жорий этиш, улар асосида аҳолига турли давлат хизматларини тақдим этиш зарурлиги белгиланган. Тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республика-

Тадбирда, шунингдек, Кореяда ахборот жамиятини ривожлантириш институти (KISDI) катта инспектори Кук Хван Женг қатнашди.

М.Маҳмудов буни алоҳида таъкидлаб, бу йўналишдаги ечимини кутаётган масалаларга, соҳа мутахассислари, жумладан, вилоят компютерлаштириш марказлари раҳбарлари зиммасидаги вазифаларга тўхталди, уларнинг саволларига жавоб берди.

Семинарда мамлакатимизда АКТнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, давлат органлари сайтларининг бугунги аҳоли ва уларни ривожлантириш, интерфаол

давлат хизматлари кўрсатиш, давлат ахборот тизимлари ҳамда ресурслари, ахборот хавфсизлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, шунингдек, ҳудудларда АКТни ривожлантириш ва жорий этиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди. Ҳокимликлар хузуридаги Компютерлаштириш марказлари фаолияти, бу борадаги мавжуд

муаммолар ва уларни ҳал этиш услублари, давлат органларида ахборот хавфсизлиги масалаларига катта эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги веб-сайтларининг аҳолини мониторинг қилиш натижалари муҳокама этилди. Мазкур веб-сайтларнинг мазмунини яхшилаш ва уларга янгиликларни ўз вақтида жойлаштириб бориш, шунингдек, он-лайн тартибда хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар таклифлар билдириди.

Тадбирда, шунингдек, Кореяда ахборот жамиятини ривожлантириш институти (KISDI) катта инспектори Кук Хван Женг қатнашиб, ўз мамлакатидан ахборот жамияти қандай барпо этилаётгани ҳақида қизиқарли маълумотлар берди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири



Қашқадарёда IPTV

Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Қамаш, Муборак, Касби, Яккабоғ туманлари марказлари, Қарши ва Бешкент шаҳарларида "Ягона ойна" тамойили асосидаги универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи янги савдо нуқталари фаолият кўрсатмоқда. Яқин кунларда бу каби марказ Фузор тумани марказида, йил охирига қадар Косон ва Чирокчи туманлари марказларида ҳам ўз фаолиятини бошлайди.

Бу ерда замонавий хизматлар — интернет, мобил ва стационар алоқа, IP-телефония, IPTV-рақамли интерактив телевидение хизматлари ва уларнинг IP-карточкалари савдоси ҳам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, уй ва офислар учун юқори тезликдаги интернет, видеотелефония, видеоконференцалоқа, симсиз интернет, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувлар амалга оширилади. Энди энг чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам универсал хизматлардан фойдаланиб, дунёнинг исталган бурчаги билан гаплашиши, интернет хизматларидан воқиф бўлиши мумкин.

Китоб туманида вилоятда биринчилардан бўлиб IPTV рақамли интерактив телевидение хизматлари жорий этилаётган. Бунинг асоси вилоятда оптик толали алоқа линиясига ўтиш ишларининг жадал олиб борилаётганлигидир. Техник ва технологик жиҳатдан оптик толали кабеллар кўп афзалликларга эга.

Айни пайтда FTTx технологияси асосида Китоб туманининг Гулистон маҳалласидаги тўртта кўп қаватли уйлар бўйлаб оптик алоқа кабеллари ўткази-

Бугунги кунда вилоятда 5000дан орტიқ CDMA-450 стандартдаги стационар ва мобил алоқа воситалари қўлланилаётган бўлса, 3000дан кўп Set-top-box қурилмаларидан миқозлар фойдаланишмоқда. 3000дан орტიқ ADSL модемлари орқали юқори тезликдаги интернет хизматлари кўрсатилмоқда.

либ, тўла монтаж қилинди. Жами 96 портни ташкил этадиган жараён эндиликда видеотелефония, интернет, рақамли интерактив телевидение хизматларини кўрсатишга асос бўлди. Интернет телевидение дастурларини тақдим этиш ҳозирда икки усулни ўз ичига

қамраб олади. Булар — FTTx технологияси асосида, яъни оптик алоқа кабелнинг бир нуқтага етиб борганлиги ва бугунги амалиётда эса FTTB оптик алоқа кабелнинг кўп қаватли уйлар ичига кириб борганлиги асосий омил бўлмоқда. Эндиликда миқозлар телефон линияси орқали телекоммуникациянинг янги хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Янги технологиялар асосидаги оптик алоқа кабелларини қўллаш вилоятнинг Муборак, Шаҳрисабз туманларида ҳам олиб борилиб, ҳозирда пайвандлаш ишлари бажарилмоқда. 2012 йилнинг охирига қадар вилоят бўйича 72та IPTV қурилмалари, 708та ADSL модеми, 322та CDMA стандартдаги мобил ва стационар телефон аппаратлари ўз эгаларини топади.

Маълумот учун шунини айтиш мумкин, бугунги кунда вилоятда 5000дан орტიқ CDMA-450 стандартдаги стационар ва мобил алоқа воситалари қўлланилаётган бўлса, 3000дан кўп Set-top-box қурилмаларидан миқозлар фойдаланишмоқда. 3000дан орტიқ ADSL модемлари орқали юқори тезликдаги интернет хизматлари кўрсатилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК тақдим этаётган лойиҳалардан IPTV хизмати кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Бугун дунёда телевидениенинг аналог тизимида воз кечилиб, босқичма-босқич рақамли телевидениеге ўтиш жараёни кетмоқда. Бу жараён юртимизда ҳам жадал олиб борилапти.

IPTV дастурлари интернет тармоғи орқали узатиловчи телевидение дегани эмас. Кўп қаватли уйларда яшовчилар бор-йўғи битта кабелда ҳеч қандай антеннасиз бу хизматга махсус дастурий таъминотга эга IP-STB Set-top-box қурилмаси орқали уланиб, фойдаланишлари мумкин. Миқозлар махсус буюртма бўйича телевидение хизматларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, интернет ва телефон хизматларидан фойдаланиш, хизматлар учун тўловлар ва бошқа масалалар юзасидан ягона Call-марказига мурожаат қилиши мумкин.

Истовчилар IPTV мажмуасининг тузилиши, интерактив ва қўшимча хизматлар юзасидан "Ягона ойна" марказларидаги сервис хизматлари кўрсатувчи операторларга мурожаат қилишга етарли. Шу ернинг ўзидан давримизнинг ютуғи ҳисобланган телекоммуникациянинг замонавий хизматлари тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд.

Китоб тумани аҳолисига рақамли интерактив телевидение хизматларини кўрсатишга бағишланган тадбирда "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг туман телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари, туман ҳокимлиги вакиллари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда бу хизматдан фойдаланишга истаги бор фуқаролар иштирок этдилар. Яқин кунларда рақамли интерактив телевидение дастурларидан Шаҳрисабз ва Муборак туман аҳолиси ҳам баҳраманд бўладилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot

ГАИТИ шимолида муттасил ёққан тропик жала сабабли сув тошқини юзага келди. Натijaда 17 киши нобуд бўлди. Кариб ороли ҳукумати хабар беришича, мамлакат шимолидаги дарёлар ўзанидан чиққач, 1,5 мингдан ортик одамлар уйларини тарк этишга мажбур бўлганлар. Табиий офатнинг кутуриши Гаитида икки йилдан буён давом этаётган вабо эпидемиясига қарши курашни қийинлаштирмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, эпидемия 7626 кишининг ўлимига сабаб бўлган. Умумий касалланганлар сони 600 мингтадан ошиб кетган.

ЕВРОПАда иқтисодиётга қарши оммавий намойишлар бошланган. Италия ва Греция касаба уюшмалари аҳолини намойиш ўтказишга чақирган, Франция, Германия ва Польшада ҳам қатор акциялар бўлиб ўтмоқда.

Кутилганидек, мажкур давлатларда кузатилаётган узок муддатли молиявий таназзул намойишларга сабаб бўлган. Испаниянинг ўзида миллионлаб ишчилар намойишга чиқишган, ammo сийсатчилардан бирортаси уларни қувватламаган.

ТЕХАС ВА ЛУИЗИАНА штатлари АҚШ ҳукуматидан мустақиллик сўрамоқда. Оқ уй ушбу штатларнинг АҚШ таркибидан чиқиш ҳақидаги онлайн-аризасини кўриб чиқишига тўғри келади. 2011 йили йўлга қўйилган "We The People" ("Биз инсоният") дастури доирасида Барак Обама маъмурияти 30 кун ичида 25 мингта имзо тўшлаб олган исолган мазмундаги жамоатчилик ташаббусларини кўриб чиқишга мажбур.

Ариза муаллифлари федерал ҳукумат олиб бораётган сийсатдан вазорзи бўлмоқдалар ва тинчлик йўли билан ушбу штатларга мустақиллик берилишини сўраганлар. Аризада АҚШдан мустақил бўлиш уларнинг (буғунги ҳукумат эътиборга олмаётган отабоболарнинг азалий гоилари ва эътиқодларини) ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятини бериши таъкидланган.

Мажкур штатларга мустақиллик бериш ҳақидаги масала 2009 йилда ҳам муҳокама қилинганди. Бироқ ўтказилган ижтимоий сўровларда техасликларнинг тўртдан уч қисми мустақилликка қарши овоз беришганди.

ИРОҚ ҲУКУМАТИ Россия билан бир неча миллиард долларлик қурол-яроғ келишувини бекор қилган. Расмий Бағдод бунинг сабабини коррупция хавотири билан изоҳлаган.

Ироқ Бош вазири матбуот котибининг айтишича, Нури Маликийнинг Москвага сафаридан кейин коррупция билан боғлиқ шубҳа пайдо бўлган ва шундан кейин 4,2 миллиард долларлик битимни қайта кўриб чиқишга қарор қилган. "Маликий Россиядан қайтгач, унда коррупция борасида шубҳа туғилди. Шу боисдан келишувни қайта кўриб чиқишга қарор қилинди", — деб айтган Али Мусавий "Франс пресс" агентлигига. Унинг айтишича, Россия томони ҳам бу масалага аниқлик киритиши лозим.

КХДР ҳарбийлари ракета двигателларини синовдан ўтказишни бошлаган. АҚШ ва Жанубий Корея мутахассислари суъий разведка йўлдошлари орқали олинган маълумотларга асосланиб шундай тўхтама келишди.

Жон Хопкинс номидаги Илгор халқаро тадқиқотлар мактаби қошидаги Америка-Корея институти экспертлари КХДРнинг ғарбда жойлашган Сохэ ғарбий синов полигонидида жосус-йўлдошлар орқали олинган фотосуратларни таҳлил қилишди. Суратларда ракета двигателлари учун баклар ва ушбу ҳарбий объектида уларнинг синов қўрилганидан далолат берувчи излар акс этган. Мутахассисларнинг фикрича, Пхеньян 2013 йилнинг биринчи ярим йилида янги ракеталарни синовини ўтказиши.

Телевизордан чиққан вирус


Ахборот хавфсизлигидан гап кетганда, кўпчилигимиз, биринчи навбатда, компютерларни кўз ўнгимизга келтирамиз. Шунингдек, смартфонлар ҳам хаёлимизнинг бир четидан ўтади. Ammo йўлдошли ва кабелли ресиверларни ҳам унутмаслик керак...

Norse Corp компанияси техник директори Томми Сиансеннинг таъкидлашича, биргина АҚШда носоз ҳолатдаги тахминан 10 мингта DVR ва ресиверлар ишлатилипти. Мантиқан олиб қараганда, бу каби аксарият қурилмалар, айниқса, интернетга уланганлари (масалан, Tivo) тармоқда доимий мажжудлиги боис қайсидир маънода компютерга ўхшайди.

Компания интернет-сканерлашни амалга ошириб, доимий равишда 1000дан ортик зарарли трафик

генераторлари ишлатганини аниқлади. Сиансеннинг айтишича, бу 1000та DVR денгиздан томчи, холос, негаки, бутун интернет "элақдан ўтказилса" бир кеча-кундузда 19 терабайт атрофидаги "зарарли" ахборот тарқатилмоқда.

Яқинда компанияга банклардан бири ўз тармоғида вирус борлигидан гумон қилиб мурожаат билан чиқди. Ходимларнинг шахсий компютерлари, ноутбуклари ва серверларда вирусга қарши сканерлаш ҳеч бир натижа бермади. Энг ажабланирлиси, вирусли трафик манбаи нижозларга хизмат кўрсатиш бўлимида ўрнатилган телевизорлардан бирига тасвир узатаётган DVR бўлиб чиқди. DVR зарарли кодни кабел провайдери тармоғидан олган ва бошқа тармоқларга ҳам таъсир ўтказган.



Техник жиҳатдан, оператор ёки фойдаланувчи томонидан тармоқлараро экран ўрнатиш орқали DVR зарарлашишининг олдини олиш мумкин. Ammo, муаммо шундаки, замонавий тижорий файерволларни олдиндан DVR-трафикни филтрлаш учун сошлаб бўлмайдиган, уларни кўлда сошлаш учун эса юқори малакали мутахассис керак бўлади.

АТ-хабарлар



Microsoftда катта ўзгариш — маълумотларга қараганда, салкам йигирма йилдан буён компанияда ишлаб келаётган, айни пайтда Windows-бўлимани бошқараётган Стивен Синофски истеъфога чиқмоқда. Унинг ўрнини Жули Ларсон-Грин эгаллайди.

Компания баёнотида айтилишича, Синофскини ишдан кетказиш бош директор — Стив Баллмернинг шахсий ташаббуси бўлиб, улар Windows йўналишларини белгилашда кўпдан буён чиқиша олмаётгандилар.




Америка алоқа оператори — АТ&Т уч йилга мўлжалланган 14 млрд долларлик йрик лойиҳани бошлади.

Компания маълум қилишича, лойиҳа доирасида АҚШ ҳудудидида тармоқ қамрови янада кенгайтирилиб, интернетга юқори тезликда улашни ва телевидение хизматларига эътибор кучайтирилади. Режага кўра, 8 млрд доллар маълумот узатиш тармоқларини яхшилашга, 6 млрд доллар асбоб-ускуналарга сарфланади.



Intel корпорацияси Core i7 Extreme Edition туркумининг энг кучли процессори тақдиротини ўтказди. Компаниянинг маълумотида қайд этилишича, бу микропроцессор ва плата тизими мажмуаси стол компютерлари учун шу пайтгача чиқарилган энг қудратли ечимдир.



Ҳар икки ишланма энг ашаддий геймерлар, шунингдек, лойиҳачилар, архитекторлар ва қолаверса, HD-видеоини монтаж ва таҳрир қилувчилар учун мўлжалланган.



Appleдан омад юз ўгираётганга ўхшайди: компания акциялари 21 сентябрдан бери қийматини 20 фоизга йўқотди — ўша кунни жаҳон бозорларига iPhone 5 смартфонлари чиқарилганди.

Таҳлилчилар компания қимматбаҳо қорозларининг арзонлашишини кучли рақобат, шунингдек, смартфон ва планшетлар бозорида Appleга ўхшаш маҳсулотларнинг ўта кўплиги билан изоҳлашмоқда.



Google ва Acer жаҳондаги энг арзон ноутбукни чиқаришди.

Ўзига хос равишда "хромбук" (Chrome амалиёт тизими ўрнатилган) дея аталаётган Acer C7 нафакат ўзидан олдин чиқарилган Samsungнинг худди шундай маҳсулотидан бирмунча арзон (Acer — 199, Samsung — 249 доллар), шунингдек, аппарат қурилмаси ҳам ранг-барангрок.

Acer C7 хромбукка Intel Core процессори ўрнатилган, бу Samsungдаги Exynos 5250 ARM-чипдан анча тезроқ ишлашини аналатади. Тўғри, бунинг ҳисобига унинг батареяда мукобил ишлаш тартиби 3,5 соатгача етади, холос.

Acer C7 11,6-дюймли (1366x768 пиксел) дисплейга эга, тармоқ контроллерлари — Wi-Fi 802.11 a/b/g/n, Ethernet ва HD-камера. Каттик диски 320 Гб хотирага эга.



Жанубий Корея, Япония ва Хитой замонавий мобил технологиялар, булут сервислари ва бошқа соҳаларда маълумот алмашиш юзасидан ахборот технологиялари ҳамкорлигини йўлга қўймоқчи.

Ҳамкорликнинг биринчи қадами сифатида минтақавий уюшма тузилади, шунингдек, учтомонама комиссия даражасида қўшма қорхоналар тузиш жараёнида қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.



"Ягона ойна"

Яқинда Хўжайли туманида "Ягона ойна" тамойилида ишловчи шохобча ишга тушди. Унинг очилиш маросимида туман ҳокими Қоразбой Ешбоев, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Курманғали Колонов, "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон филиали бошлиғи ўринбосари Муротбой Жалекеевлар иштирок этиб, ушбу шохобча аҳоли учун кенг имкониятлар яратиб бериши ҳақида гапирдилар.

Тадбирда иштирок этган туман вакиллари лойиҳани амалга оширган мутахассисларга ўз миннатдорликларини билдиришди.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ

Тухфа

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази немис ўқув залида Америка Қўшма Штатлари Осиё маркази департаменти мутахассиси Уилям Милдтон иштирокида "Рақамли кутубхоналар ташкил этиш" мавзuida китоб тақдими бўлиб ўтди.



Ушбу тақдимотнинг мақсади инглиз тили грамматикасини ўрганиш бўйича китоблар тўпламини китобхоналарга таништиришдир. Тақдимотда Самарқанд чет тиллар институти инглиз тили филологияси факултети таржимонлик бўлими талабалари ҳам қатнашди. Тақдимотни АКМ директори Ш.Аҳмедова очиб берди. Шундан сўнг Уилям Милдтон инглиз тили грамматикасига оид

янги адабиётларни талабаларга таништирди. Талабалар билан қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди.

Тақдимот сўнгидея АКШ Осиё маркази департаменти томонидан АКМ немис ўқув залига 100 номдаги янги адабиётлар тақдим этилди.

З.ШАРОПОВА,
АКМ Илмий-услубият бўлими бош кутубхоначиси

Тарбия



"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалида Мустаҳкам оила йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда "ЎЗИНГНИ АНГЛА" психологик хизмат кўрсатиш маркази бош директори, таникли психолог Замира Азимова иштирок этди.

Оила мустаҳкамлиги ва фарзанд тарбияси мавзуларига бағишланган ушбу тадбирда оила қураётган йигит-қизлар ўзларининг бўлажак турмуш ўртокларини танлашда нима-ларга эътибор беришлари, шунингдек, оила қурган ёш оилалар ўз оилаларини мустаҳкамлашда қандай тартиб-қоидаларга амал қилишлари, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари, шу билан бирга, уларнинг мажбуриятлари нималардан иборатлиги ҳақида гапирилди.

Шунингдек, тадбирда фарзанд тарбияси, унинг асослари ҳақида сўз борди, жумладан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини ахлоқли, одобли ва ватанпарвар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиши, ушбу шарафли ишга ўта масъулият билан ёндашиши уқтирилди.

Тадбирда қатнашганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Қаҳрамон САРИМСОҚОВ,
"ТТТ" филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Қувончли лаҳзалар

NISHONDORLARIMIZ

Алоқачилик — масъулиятли, айни чоғда шарафли касбдир. Ана шу шарафга мос равишда фидойилик кўрсатаётган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали Каттақўрғон шаҳар почта алоқаси тармоғи ходимлари аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун чинакамига меҳнат қилиб, эл ишончини оқламоқдалар.



Каттақўрғон шаҳар алоқа корхонаси ташкил этилганидан бошлаб бу муассасага Иван Марайкин, Муборак Хонхўжаева, Валентина Горбунова, Исмоил Гадов, Раиса Окаева, Раъно Жалиловалар бошчилик қилиб, эзгу ишларини амалга оширган ҳолда халқ эъзозига муяссар бўлдилар. Каттақўрғон шаҳри аҳли улар номларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олади. Айни дамда эса шаҳар почта алоқаси тармоғига ўн йилдан буён Дилором ТОИРОВА раҳбарлик қилиб келмоқда.

Дилором Тоирова — Каттақўрғон шаҳри фарзанди. Ўрта мактабни аъло баҳоларда тугаллаб, меҳнат фаолиятини 1980 йили шаҳар алоқа бўлимида операторликдан бошлади. Мана шу ўтган 32 йил мобайнида Д.Тоирова шу соҳада тобланиди, касбининг сир-асрорларини сабот билан ўрганди. Худудий алоқа бўлими бошлиғи, пул ўтказмаларини жўнатиш бўлими бошлиғи, иқтисодчи, тармок корхонаси бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилиб, нафақат жамоа аъзоларининг, балки ми-жозларнинг иззат-ҳурматиға муяссар

бўлди, тармоқнинг обрўли ва тажрибали мутахассисига айланди. Ҳозирда у ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Топкент ахборот технологиялари университетидея сирдан ўқиб, олий маълумотли мутахассис сифатида фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

Ҳаёт йўллари ўнқир-чўнқир, кутилмаган синовлардан иборат. Умр йўлдоши Олимжон Тоиров билан болаларни ўқимишли қилиб, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларида иш олиб бораётган дамларида оила бошига мусибат тушди. Оила бошлиғининг тўсатдан вафот этишини Дилором Тоирова Аллохнинг бир синови, деб тушуниб, ўзини севган ишга бағишлади. Болаларини ўқитиб, олий маълумотли мутахассис қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Фарзандлари ўрта мактабни тугаллаши билан турмуш ўртоғи орзу қилган институтда ўқитиш тайёргарлигини кўрди.

Қизи Нилуфар Тошкент ахборот технологиялари университетини му-

вафакятли тугатиб, йўлланма билан "Каттақўрғон шаҳар газ таъминот" муассасасида хисобчи бўлиб ишламоқда. 2011 йил сентябр ойида Топкентда вилоятларнинг газ таъминоти корхоналарида фаолият юритаётган қизлар ўртасида соҳа номинацияси бўйича танлов ўтказилди. Ўз вилояти номидан иштирок этган Нилуфар Тоировага университетда олган билими ва кўникмалари жуда қўл келди. "Қизлар давраси" телекўрсатувида Нилуфар изланувчан, интилувчан ва камтарин қиз номинацияси бўйича қолиб-лиқни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўғли Хасан Тоиров ҳам опаси таълим олган университетнинг информатика факултетини муваффақиятли тугаллаб, Каттақўрғон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби юқори синф ўқувчиларига информатика фанидан сабоқ бериб келмоқда. У шаҳар халқ таълими бўлимининг АКТ бўлими информатика секцияси методик кенгаши-

нинг ўқитувчиларо мураббий устозидир. Дилором Сирожовна фарзандларининг камолга етиб отасининг хайрли, эзгу ишларини давом эттираётганидан қалби қувончларга тўлади.

Дилором Тоировани оддий оператор бўлиб ишлаган куниданоқ унинг йигирма йиллик ўрта бўғин пилла-пойларидан дадил ва мардонавор одимлаб, ўз истикболига ҳалол ва фидокорона меҳнат билан пойдевор ярата олган раҳбар сифатида эъзозлашади.

— Бажараётган ишларимиз салмоқли, ютуқларимиз янада буромадли бўлганлиги ниобатта олинб, касб байрамимиз арафасида соҳа фахрий ёрлиғи билан мукофотланганим жамоамиз эъзоларини руҳлантириб юборди, — дейди Дилором Тоирова. — Почта тармоғимиз қўлга киритаётган ютуқларнинг янада салмоқли бўлишида жамоамизда вақт билан ҳисоблашмай фаолият олиб бораётган бошлик ўринбосари Шухрат Хакимов, бош ҳисобчи Қилич Расулов, йўриқчи Анвар Тўраев 1, 2, 3, 5, 11, 13, 14-ҳамда Ингичка кўрғончасидаги алоқа бўлимларимиз бошликлари — Раҳима Мусаева, Раҳматилло Ортиқов, Гулчехра Бакаева, Барно Тоғаева, Зумрад Пўлатова, Сурайё Мирзаева, Мархабо Нарзуллаева, Феруза Очиловалар ва бошқа жамоа аъзоларимизнинг хиссалари каттадир. Ўз касбининг сениб, ун шарафлаб-ардоқлаб келаётган ходимларимизнинг сазй-ҳаракатлари билан 2012 йил учун белгиланган барча режаларни ортинга билан урдалаган ҳолда 2013 йилни ёруғ юз билан кутиб олишни бош вазифа деб белгилаганимиз. Вилоятдаги турдош корхоналар орасида қўлга киритилган ютуқларимиз меvasи — карвонбошлиқни қўлдан бермай ўзимизда саклаб қоламиз.

Химатингизга балли, каттақўрғонлик карвонбоши почтачилар!

Ғайрат ШУКУРОВ
Самарқанд вилояти

КОМПАНИЯ POLYMEDIA:

НОВЫЕ МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ С УЗБЕКИСТАНОМ

15 ноября 2012 года компания Polymedia, ведущий российский системный интегратор и разработчик программных решений, объявил о расширении своего присутствия в странах СНГ и официально открыл второе международное представительство в Республике Узбекистан.

Торжественная церемония и пресс-конференция, посвященные презентации новой компании прошел в Ташкенте с участием главы компании Polymedia Елены Новиковой и генерального директора представительства Polymedia в Республике Исматилло Насымова.

В рамках открытия нового представительства компания продемонстрировала весь свой инженерный потенциал и возможности для модернизации сразу нескольких направлений деятельности в Республике: решения для конкурентоспособного образования, эффективного ведения бизнеса, а также разработки для поддержки принятия решений на уровне государственного управления. Являясь докторантом кафедры "Информационные технологии у государственного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ Елена Новикова с глубокой научной точки зрения изучает вопрос создания ситуационных центров (СЦ) органов государственной власти, а также обладает 15-летним опытом разработки СЦ и внедрения информационно-коммуникационных систем в процессы принятия оперативных решений.

Впервые в Узбекистане представлена собственная разработка компании, подробности которой долго держались в секрете. Многофункциональность,


простота управления и одновременная сложность этого интеллектуального устройства настолько потрясают, что уже заслужили похвалу многих представителей деловых кругов.

По окончании презентации руководители компаний Елена Новикова и Исматилло Насымов ответили на все вопросы журналистов в рамках пресс-конференции.

"Узбекистан сейчас является одной из тех стран, которые бросают все силы на поднятие экономики и в этом ключе уделяют большое значение глобальному и масштабному внедрению информационных технологий во все процессы деятельности страны, — говорит генеральный директор компании Polymedia Елена Новикова. — И в этой связи мы видим своей целью предоставление в распоряжение Республики всех самых последних разработок для повышения эффективности работы всех жизненно важных структур — государственного, силовых ведомств, образования и бизнеса".

Напомним, что компания Polymedia (помимо дочерней ART Polymedia) объединяет 9 представительств в крупнейших городах России: Екатеринбург, Самара, Казань, Уфа, Новосибирск, Ростов-на-Дону, Санкт-Петербурге, Воронеже и Краснодаре, что обеспечивает возможность оперативного предоставления полного комплекса услуг на всей территории РФ.

POLYMEDIA



На сегодняшний день штат сотрудников Polymedia составляет 469 человек, более половины из которых технические специалисты высокого класса, которые закладывают колоссальный инженерный потенциал, определяющий уникальные возможности компании по разработке и реализации технически сложных масштабных проектов: ситуационные центры, диспетчерские залы, центры мониторинга и управления, многофункциональные спортивные комплексы, конференц-залы, виртуальные переговорные, мультимедийные учебные аудитории, центры дистанционного обучения, лингфонные классы, ситуационно-аналитические лаборатории, центры трехмерного моделирования, а также системы распределенного информирования.

В течение последних лет ежегодный прирост оборота группы составляет порядка 30%-50%.

По словам Елены Новиковой, выход компании на рынок Узбекистана обусловлен его высоким потенциалом для высокотехнологичных внедрений, а открытие нового офиса в Узбекистане стало возможным благодаря высокой динамике развития Polymedia, уровню экспертизы и опыта, который компания готова транслировать и распространять на международном уровне.

В целях реализации и поддержки проектов, способствующих развитию национального интернет-сегмента, в области науки, образования и культуры, позволяющих воспитывать молодое поколение Узбекистана в духе высокой нравственности, АК "Узбектелеком" выделяет гранты на сумму 40 млн. сум.

ГРАНТЫ АК "УЗБЕКТЕЛЕКОМ" ПО НАПРАВЛЕНИЯМ "КУЛЬТУРА" И "ОБРАЗОВАНИЕ"

9 августа акционерная компания "Узбектелеком" объявила второй конкурс на получение грантов по двум направлениям.

Согласно заключению экспертной рабочей группы по оценке заявок участников конкурса и приказа компании гранты получили следующие конкурсанты:

По направлению "культура":
● Проекту panoramio.uz (ООО "Net Extensions") выделить грант в размере 10 млн. сум.

● Проекту kultura.uz ("Ташкентский дом фотографии") выделить грант в размере 7 млн. сум.

● Проекту piar.uz (ООО "Piar media") выделить грант в размере 3 млн. сум.

По образовательному направлению:

● Проекту vu.uz ("Келажак овози") выделить грант в размере 10 млн. сум.

● Участнику конкурса "Национальная библиотека" на создание интернет-словаря и электронной базы энциклопедии выделить грант в размере 7 млн. сум.

● Участнику конкурса "Шарк Аёли" выделить грант в размере 3 млн. сум.

Поздравляем победителей конкурса!

Остается добавить, что в 2012 году АК "Узбектелеком" объявил 2 конкурса на получение грантов по 4 направлениям: в области науки и образования, культуры и развлечений, позволяющие воспитывать молодое поколение Узбекистана в духе высокой нравственности, а также оказания содействия в организации национальных социальных сетей, игровых порталов и других видов контента. Итоги первого конкурса были подведены 2 сентября 2012.

Общая сумма грантов по двум конкурсам составляет 100 млн. сум.



Ucell стал спонсором Ташкентского этапа Гран-при ФИДЕ

Ucell стал спонсором очередного этапа Гран-при Международной шахматной федерации, который впервые пройдет с 21 ноября по 5 декабря в Ташкенте с участием сильнейших шахматистов планеты.



Отрадно, что в яркое созвездие шахматных городов мира вошла столица нашего Узбекистана — Ташкент. Очередной этап ФИДЕ — это турнир, который является самым значимым событием в мире шахмат. Первый этап Гран-при ФИДЕ прошел в Лондоне с 21 сентября по 3 октября. Теперь 12 сильнейших гроссмейстеров встретятся за клетчатый полем в Ташкенте. Далее этапы пройдут в Лиссабоне, Мадриде, Берлине и Париже, и только победитель по итогам всего турнира встретится с действующим чемпионом мира — индийским гроссмейстером Вишванатаном Анандом.

Организаторами турнира выступают ФИДЕ, Фонд Форум и Федерация шахмат Узбекистана при спонсорской поддержке компании Ucell.

"Билайн"

С июля по сентябрь вложил 20 миллионов долларов в развитие сети в Узбекистане

14 ноября 2012 года один из крупнейших международных провайдеров телекоммуникационных услуг Vimpelcom Ltd (торговая марка "Билайн") объявил свои финансовые и операционные результаты за III квартал.

Выручка "ВымпелКома" в III квартале 2012 года составила 137 млн. долларов США, что на 88% больше показателя аналогичного периода прошлого года.

"В третьем квартале мы столкнулись с серьезными вызовами, и прежде всего это связано с беспрецедентными нагрузками на сеть, которые начались в июле и продолжают по сей день. "Билайн" за этот период принял 2 198 000 новых абонентов — больше, чем какой-либо другой оператор Узбекистана, что не могло не сказаться на работе наших систем. Безусловно, масштабные инвестиции последних месяцев сыграли свою роль в обеспечении клиентов "Билайн" связью даже с учетом снижения привычного высокого качества услуг. Но помимо этого с июля мы направили на приобретение дополнительного оборудования около 20 миллионов долларов. В данное время стартовали процессы по вводу этих базовых станций в эксплуатацию, и в ближайшее время все почувствуют позитивные изменения", — комментирует итоги квартала Генеральный директор ООО Unitel Андрей Сафронюк.



Билайн

Хабар +tv



ДУШАНБА — 19 НОЯБР

5.55 Кўрсатқув дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Андерсен эртаклари" М/с.
7.25 "Кўнлик қўшқ, истайд!"
7.35 "Иқлим"
7.40 "Олам ва одам" дастури: Табиат мўъжизалари.
8.00 "Тақдирнома"
8.40 - 9.40 "Майянинг" дастури.
9.40 "Моҳир кўшлар"
9.50 "Тонги гозети" Т/с.
10.40 "Иқлим"
10.45 "Саломатлик дастури".
11.00 "Абборот".
11.10 "Ватаншарҳар".
11.35 "Иқлим"
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
12.50 "Кўнлик қўшқ, истайд!"
12.55 "Доктор Хаус" Т/с.
13.40 "3не" студияси: "Этнолоқ менакаматини йуилди".
Шунингдек, ўтган йиллар давомида ТТВни Сертифицирлаштириш органи сертифицирлаштириш соҳасидаги Европа, Япония, АКШ ва Хитойда етакчи бўлган фирмалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда, улар орасида: "Nokia Siemens Networks" (Финляндия); "Alcatel Sel" AG (Германия); "Ericsson" AB (Швеция); "Motorola" (Буюк Британия); "NEC Corporation" (Япония); "Ситроникс Телеком солюшнс" (Россия Федерацияси); "Huawei Technologies Co., Ltd" (Хитой); "Iskratel" (Словения); "Harris Stratex Networks" (Таиланд); "ZTE Corporation" (Хитой) ва бошқалар бор.

Сертификарлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш ва фаолият бошқарувидаги юқори даражани таъминлаш учун ТТВ СИ ва ТТВ ССМда ISO 9000 сериясидаги халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган Сифат менежменти тизими (СМТ) ишлаб чиқилди, ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ва жорий қилинди.

Сертификарлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш ва фаолият бошқарувидаги юқори даражани таъминлаш учун ТТВ СИ ва ТТВ ССМда ISO 9000 сериясидаги халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган Сифат менежменти тизими (СМТ) ишлаб чиқилди, ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ва жорий қилинди.

ТТВ СИ ва ТТВ ССМда СМТни такомиллаштириш бўйича бажарилган ишларнинг қонуний натижаси бўлиб, унинг ISO 9001:2000 (О'з DSt ISO 9001:2002) халқаро стандартининг талабларига мувофиқ муваффақиятли сертифицирлаштирилиши ва ISO 9001:2008 (О'з DSt ISO 9001:2009) стандартининг янги версияси бўйича 2009 йилда ресертификарлаштирилиши ҳисобланади.

"2009-2012 йилларда ТТВ СИ ва ТТВ ССМни такомиллаштириш ва ривожлантириш дастури"га мувофиқ кейинги икки йил ичида ТТВ ССМда метрологик база анча мустахкамланди. Rohde & Schwarz, Tektronix, JDSU каби жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан 20та замонавий ўлчов воситалари ва синов ускунаси сотиб олинди.

Акс-садосиз камера

Синов маркази учун Акс-садосиз камера ишлайдиган замонавий лаборатория комплекси қуриб битказилди.

Акс-садосиз камеранинг олиниши электромагнит мослашув бўйича ўлчанадиган параметрларнинг хажмини кўпайтириш, ўтказиладиган синовларнинг ишончлилигини ошириш, нафақат телекоммуникация техник воситаларининг, балки маънавий аппаратра, саноат қурилмалари, тиббий юқори частотали қурилмалар каби бошқа радиоэлектрон қурилмаларнинг мослашуви синовларини ўтказиш имконини берди.

Телекоммуникация техник воситаларини сертифицирлаштириш идораси ва Телекоммуникация техник воситаларини сертифицирлаштириш синов маркази бошқа сертифицирлаштириш органлари ва телекоммуникация техник воситаларини сертифицирлаштириш соҳасидаги бошқа си-

20 йил
UNICON.UZ

нов лабораториялари билан ўзаро ишлайди. Хусусан, Сертифицирлаштириш синов маркази техник воситаларни синаш соҳасидаги "Ўзстандарт" агентлигининг Сертифицирлаштириш ва синов марказлари билан ҳамкорлик қилади.

Режалар

Ҳозирги вақтда телекоммуникация ускунасини ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқараётган мавжуд технологияларни жадал суръатлар билан такомиллаштиряптилар. Радиореле узатиш тизими ускунасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Модуляциянинг янада такомиллашган турларини қўллаган ҳолда ушбу ускунанинг такомиллаштирилиши унинг сизими ва ўтказиш қобилиятининг ошишига, шунингдек TDM тармонидан бир текисда келгуси авлод IP-тармоғига ўтишига олиб келди.

Шу ўринда ер усти телевизион эшиттириш ускунасининг такомиллаштирилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳозирги вақтда аналог телевидениеда рақамли телевизион эшиттиришга ўтилмоқда. Рақамли телевизион эшиттиришга ўтилиши билан қабул қилинаётган телевизион сигнал сифати яхшиланди, қабул қилинадиган телевизион дастурлар микдори кўпайди. Юқори аниқликдаги телевидение пайдо бўлди, унинг видеотасвир сифати стандарт рақамли эшиттиришдан анча юқори. Энг асосийси, радиочастота спектрининг давлат ресурслар тежалди.

Шунга ўхшаш кўп рақамли мисолларни келтириш мумкин. Телекоммуникация ускунаси такомиллашгани сайин ҳозирги вақтда мухтаassisлар олдига замонавий телекоммуникация ускунасига қўйиладиган техник талабларни ва уларни назорат қилиш методларини белгиловчи амалдаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан бизнинг олдимида телекоммуникация ускунасининг электромагнит мослашуви ва хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш ва "Ўзстандарт" агентлигининг экспертлар кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этиш вазифаси турибди.

Марказимиз томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида дастурий маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертифицирлаштириш учун ташкилий-техник тадбирларни ўтказиб, ТТВ СИ ва ТТВ ССМни аккредитация доирасини кенгайтиришга ва ушбу соҳада сертифицирлаштириш ишларини олиб борилишига эришилди.

Жалол МАКСУДОВ,
"UNICON.UZ" ДУК
директори ўринбосари

Олий таълимда кўп йиллардан буён ишлаб келаман. Ёзги тест синовларидан эсон-омон ўтиб, қувончини ичига сиғдира олмай, кўзларида севинч ёши билан бири-бирини қучиб-ўпиб қутлаган бахтиёр ёшларни кўп кўрганман.

Одатда, ўқишга қабул қилинганлар билан дастлабки йиғинлар, тантанали кунлар ортда қолиб, ниҳоят илк маъруза ва амалий машғулотлар бошланади.

Олий таълим — ўз-ўзи билан олий таълим. Ўқув режасига киришган фан борки, мавзуларни атрофлича қамраб олишга, масалаларни илдизларига қадар ўрганиб чиқишга йўналтирилган.

Биз айтаётган манзара — олий ўқув юртининг ўқув жараёни. Иккинчи, учинчи томонлари ҳам бор: илмий, маънавий-маърифий ҳаёт. Аксари кунларда 2, 3, баъзан 4 жуфтлик (пара) сабоқдан сўнг талаба ётоқхона (Талабалар тураржойи)га ёки уйига қайтади. Ана энди талабанинг дам олиш ва мустақил ишлаш давлари бошланади. Телевидение орқали сеvimли сериалларни томоша қилиш, ёр-дўстлар билан чой устида гурунглашиб ўтириш, театр, концерт, кинога бориш... ва ҳоказо. Улардан сўнг ҳадемай меҳмондорчиликлар, тузилган кунларни нишонлаш, зиёфатлар, сайру саёхатлар... бошланиб кетади.

Талабалик шундай сеҳрли паллаки, ундаги ўзига ҳос эмин-эркинлик, нисбий бўлса ҳам, мустақил яшашга киришиш, албатта, олдинги мактаб, лицей, коллеж ҳаётидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам эндигина талабалик даврига қадам қўйган йигит ёки қизнинг ҳавасманд ҳаёлидан: "Мен бугун тўрт йиллик талабалик даврини бошладим. Эрким, инон-ихтиёрим ўзимда. Энди ёш бола эмасман. Нимани хоҳласам шунини қилишим мумкин" деган ҳаёллар ўтиши табиий ҳам. Ана шу кайфият ҳужумдорлиги таъсири шу қадар кучлики, баъзан талабаларда ҳатто адашсин, чув тушиш, савдий ҳаёлларга кул бўлиш, телбаларча севиш-севилиш, нафратланиш, кимларнингдир ўткинчи хою ҳаваслари қурбон бўлиш ҳам... завқли туюлса, ажаб эмас. Бу даврни фақат бир нарсага ўхша-

тиш мумкин: у ҳам бўлса, навқирон ёшлик даврининг ўзига!

Аслида, талабалик даврининг эҳтиросларга тўлиб-тошган, чарчаш, ҳорғинлик нимагинини билмайдиган, шўҳ ва бебош, тизгинсиз давлари биз ўйлаган ёки тасаввур қилгандан кўра жуда тез ўтади. Абадий талаба бўлиб қололмайсан.

Менинг фикримча, олтин давр, эҳтирослар ҳар қанча тотли ва лаззатларга бой бўлмасин, ақл измига бўйсундирилгандагина олтин мева беради. Бир умрга етадиган куч-қувват, салоҳият бахш этади. Бунинг учун эса ҳар бир йил, ой, ҳатто куннинг аниқ режа асосида ташкил этилмоғи мақсадга мувофиқ. Айтишга осон, амалга ошириш эса ҳаммаша қийин бўлган.

Маълумки, талаба қайси йўналишда тахсил олмасин, илмий-фалсафий тафаккур билан қуроллантирилади. Бу дегани, талаба барча масалаларга илмий нуқтаи назардан баҳо бера оладиган, ўзи ҳам илмий изланадиган бўлиши лозим. Бироқ бу оддий ҳақиқатни айрим талабалар тушунишни исташмайди. "Илм билан шугулланиш менинг ишим эмас, мен олим бўлмоқчи эмасман" демоқчи бўлади улар. Илмий тафаккурга эга бўлган ҳар бир шахс олим бўлавермайди. Олимлик йўли мунтазам ақлий меҳнатга кўникиш, сабр-тоқат, поклик, эъти-

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, IX боб, 41-модда



Талабалик — олтин давр... ми?

17-NOYABR — XALQARO TALABALAR KUNI

қодилик, тизимли изланишларни одат қилишдан иборат бўлиб, ундан келадиган завқ-шавқ, қониқкиш хиссини ҳеч нарса босолмайди.

Илмий изланишлар кишини тартибли яшашга ўргатади. Батартиблик эса соғлом ҳаёт тарзининг бирламчи шarti.

Устозлар, сабоқдош дўст-ёрлар талабалик даврида топилган улкан бебаҳо бойлик, ҳеч нарса билан алиштириб бўлмайдиган хазинадир. Аммо бу бойликнинг қадрига умр бўйи яшаганда етилади. Уни ҳам асраб-авайланмаса, нурайди. Устозларимиздан, тенгдош дўстларимиздан биз кўп нарсаларни ўзлаштирганмиз. Энди навбат бизнинг ўзимизга келади, яъни бизлардан бошқаларга ҳам нималардир ўтиши, эзгу ният, интилиш, билим ва фикр, яхши хотиралар қолиши лозим.

Менинг талабалик йилларим Тошкентда ўтган. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)ни битириб, ҳаммамиз ҳар ёққа тарқашиб кетдик. Куз фасли боғ-роғ, дала-дашларни олтин апроқлари билан тўлдирган паллада пахта теримига чиқардик. Сирдарёнинг аҳоли яшамайдиган олис ерларида пахта териш, ойдин оқшомларда ташкил этиладиган гулхан атрофидаги шеърхонлик кечалари ёдимизда бир умр муҳрланиб қолган. Ўша пайларда ҳаммамиз шоир эдик, катта дафтарларни шеърларга тўлдириб ташлай-

диган дўстларимиз бўларди. Ҳажми тўшакдек келадиган, саҳифаси жиддий ва турли ҳазил-хузул ижодий машқлар билан тўлиб-тошган деворий газетани кечаси билан тайёрлаб, эрта тонгда ташқарига илиб қўярдик. Хали уяли телефонлар расм бўлмаган, шаҳардан ҳар кунини янги газета-журналлар олиб келишининг имкони йўқ бўлган ўша олис етмишинчи йилларда биз чиқарган деворий газета ҳамманинг диққат-назарига бўларди. Ўша пайлардаги илм ва ижодга ташналик сабаб бўлганми, ҳар қалай, сабоқдошларимиз орасидан кейинчалик қалами ўткир журналистлар, олимлар, раҳбарлар етишиб чиқди.

Бугунги талаба йигит-қизларнинг имкониятлари жуда катта. Ахборот-коммуникация технологиялари деб аталган мўъжиза минглаб километр масофаларни сониялар ичида ҳатлаб ўтиб, кўз очиб юмгунча бизга зарур бўлган қимматли маълумотларни беминнат етказиб бермоқда. Лекин китоб излаш, китоб титиш, маълумотлар йиғиш қадимда ҳам талабанинг асосий сеvimли машғулоти бўлган, ҳозир ҳам. Жаҳондаги улкан тафаккур соҳибларидан бирига: "Сеvimли машғулотиңиз нима?" деган савол берилганда, "Китоб титиш" деб жавоб берган экан.

Муҳтарам толиби илм бўстим, байраминг муборак бўлсин!

Набижон СОЛИЕВ,
TATU Фарнона филиали доценти

Қуёшдан қудрат олиб...

Муқобил электростанциялар ҳақида

Электр энергиясига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бир даврда уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз электроэнергетикасининг 86 фоиз улуши, яъни жами қуввати 10,6 миллион кВт бўлган иссиқлик электр станциялари ишлаши учун катта ҳажмда газ ва кўмир бирламчи ёнилғи сифатида сарфланади. Соҳа мутахассисларининг таҳминича, табиий газ ва кўмир ҳозирги қўламда ишлатиладиган бўлса, захиралари 20-30 йилга етиши мумкин экан. Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадимики, Ўзбекистонда қуёш энергетикасининг потенциалли 50,973 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Бу қуёш энергетикасини йўлга қўйиш ва ундан кенг қўламда фойдаланиш заруратини тундирмоқда.

Ерувлик нурланиши орқали электр энергиясини олиш ва тўплашга асосланган, экологик тоза тизим сифатида қараётган қуёш энергетикаси асосида фотоэлектрик ўзгартиргичлардан тузилган модуллар ётади. Анъанавий фотоэлектрик ўзгартиргичлар бор ва фосфор қимбвий бирикмаларига эга бўлган кремний асосида тайёрланади. Ишлаб чиқариш технологиясини кўп босқичли ва мураккаб бўлишига қарамадан, кремнийли панелларнинг фойдаланиш коэффициенти 24 фоиздан ошмайди. Бир ватт энергия бе-


рувчи батареялар баҳоси 1-3 АҚШ доллари атрофида. Бозор нархининг қимматлиги нисбатан арзон, осон тайёрланувчи ва унумдор қуёш панелларини яратишга ундамоқда.

Наногетеротузилмади, бошқача қилиб айтганда, каскадли фотоэлектрик ўзгартиргичлар ҳамда қуёш нурланиши концентраторларини қўллаш юқори самардорликка эга, фойдали иш коэффициенти 45-50 фоизгача бўлган қуёш электростанцияларини яратиш имконини беради. Концентраторли фотоэлектрик модул Френел линзаларидан иборат матрицали олд панел ҳамда линзалар фокусига мосланган фотоэлектрик ўзгартиргичли орқа платадан ташкил топган. Анъанавий панелларда қубик сифатида шаффоф шиша ишлатилинади. Унинг ўрнига Френел линзаларини қўллаш орқали нурланиш концентратциялаш даражасини 1000 маротабагача кўпайтириш мумкин. Бу, ўз навбатида, сарфланадиган яримўтказгич материал ҳажмини, станция ўлчами ва нархининг бир неча бор қисқаришига олиб келади. Олдий фотоэлектрик ўзгартиргичлар қуёш нурланишининг маълум бир қисмидан фойдаланади. Таклиф этилаётган наногетеротузилмади тизимда қуёш нурлари бир неча "булакларга" бўлиниб, ҳар бир оралик спектор учун яримўтказгич тузилмасининг алоҳида қисми,

каскадида фотонлар энергияси электр энергияга айлантирилади. Нурланишнинг ултрабинафша диапазонига бўлган кенг спектордан фойдаланиш натижасида унумдорлик ошади.

Қуёшли кунда электр энергиясини ҳосил қилишни бир неча қарра ошириш имкони мавжуд. Бунинг учун электр станциясини қузатувчи мослама билан жиҳозлаш керак. Мослама қуёш ўрнини қузатиб боради ва панелларни унга йўналтиради. Бошқача қилиб айтганда, қуёш нурларининг модулларга тўғри бурчак остида тушушини таъминлайди. Замонавий қуёш электростанциялари катта аниқлик ва икки координатли қузатув тизими эга бўлган қурилмалар билан таъминланган.

Юқори самардорликка эга бўлган наногетеротузилмади, нурларни концентратциялашга асосланган замонавий қуёш панеллари йилдан-йилга нархи ошиб бораётган ва чиқиндиларни ташлаш орқали табиатга зарар етказётган, ёнилғи танқислиги муаммоси пайдо бўладиган анъанавий электростанциялар вазифини бажара олади. Ушбу муқобил энергетикада қўлланиладиган бир грамм яримўтказгичлар 25 йил мобайнида ҳосил қиладиган электр энергия миқдори беш тонна



нефтни сарфлаш орқали эришиладиган қийматга тенглик юртимизда ушбу соҳага эътибор қаратиш нақадар муҳимлигини кўрсатади. Қуёш энергияси халқаро институтининг пойтахтимизда очилиши янги изланишлар ва аниқ лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни таъбиқ қилиш сари қўйилган қадим сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, фотоэнергетизмга ўтиш орқали 5 миллиард йилга еттулик захирано нақд қилган бўламиз.

Қуёш энергетикаси бир қатор экологик муаммоларни ҳал қилиши, электр энергиясига бўлган талабни қўшимча ёқилғиларсиз қондириши, мобиллик ва автономлик имкониятлари яратишини ҳисобга олиш зарурдир. Қим ҳам қуёшдан куч олиб кўчаларда кезаётган автоуловлар, бепоеён денгизларда сузаётган кемалар, фазода парвоз қиладиган самолётларни кўришни хоҳламайди дейсиз!?

Илҳом ИБРОҲИМОВ,
TATU 3-босқич талабаси

Бозордан ўтиб кетаётгандим, ногаҳон бешикка кўзим тушиб қолди. Бир-биридан нафис, бир-биридан чиройли безатилган бешиклар қатор териб кўйилган. Не-не даҳоларни улғайтирган, аллалаб вояга етказган бу каби бешиклар. Ана шу бешикларда оналар ўз фарзандларига аллалар айтган. Тунлари ухламай бешик тебратиб чиққан.

Кенг тарқалган халқ оғзаки кижоди намуналаридан бири алла айтишдир. Она алласи инсониятнинг ўзи каби қадимийдир. У тарбиянинг буюк қалити ҳисобланади. Алла ҳам анъана сифатида барҳаёт бўлмоғи учун авлоддан-авлодга, момодан-момога, онадан-онага ўтиб келяпти. Кексалар ёмон қиликли болалар ҳақида "онаси алла айтмаган эканда" дейишади.

Момоларнинг айтишича, алла оҳанглари онанинг бутун вужуди, унинг етмиш икки томиридан оқиб келармиш. Алла айтиш билан она ўз қобилиятини тўла намоеъ этади. Аллада онанинг дард ва йнғилари, кулгуси ва шодлиги оҳангларга мужассамланган бўлади. Бир даврларда аллани билмаслик эл ичида уят ҳисобланган. Боланинг тинч ором олишини алласиз тасаввур этиб бўлмайди. Алла нафақат бола юрагига, хатто катталар қалбига ҳам ширин туйғулар олиб кириди.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир золим подшо бўлган экан. У бир куни мамлакатдаги барча кўшиқчиларни ййиб, энг яхши кўшиқни танлаши учун уларни навбатма-навбат куйлашга мажбур этибди ва кимнинг кўшиғи ёкмаса бошини танидан жудо эттирармиш. Ниҳоят, бир кекса онахонни келтирибдилар. У кўзларини юмиб олиб, бир ажиб кўшиқ — алла бошлади. Подшонинг кўзларидан ёш чиқиб кетибди. Подшо шунчалик золим бўлса-да, онахонни қақриб сўрабди: Бунчалик муңгли кўшиқ куйлашингизнинг босиси недир?

Шунда онахон дебди: — Яккаю ягона ўғлим бор эди. У ҳам бўлса жангда шахид бўлди. Ёлғиз ўзим яшайман. Ўғлим шу алла кўшиғини яхши кўрарди. Хизматдан қайтганида ҳар куни шу кўшиқни айтиб берардим. Энди эса эшитадиган кишим йўқ. Жигарғушамни ёд этиб, эртаю кеч шу кўшиқни айтаман, — дебди. Подшо хазиначонни қақиртирибди ва онахонни муқофотлашни

Аллада хикмат бор



бужурибди. Инсон ҳаётида алланинг тутган ўрнини бир сўз билан тушунириб бериш қийин. Она биринчи алласидаёқ ўз жигарғушасининг қалбига тарбияни сингдира бошлайди. Алла орқали мурғак қалбга меҳр-муҳаббат, эзгулик, эътиқод каби хислатлар кириб келади. Яна алла дастлабки му-

сика санъати бўлиб, унинг ёрдамида беғубор юракка она Ватан навалари илк бор таъсир этади. Алла эшитган гўдаклар нозик табиатли, юксак дидли, гўзалликни идрок эта олувчи ва ўзлари ҳам гўзаллик яратишга интиладиган инсонлар бўлиб етишаркан.

Улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино алланинг аҳамияти ҳақида шундай ёзган эди: "Гўдакнинг танасини чиниктириш учун икки нарса зарур: бири уни кимирлатиб тебратиш, иккинчиси она кўшиғи (алла). Биринчиси боланинг танасига (жисмоний тарбия сифатида) зарур, иккинчиси руҳий озикдир". Азадан буюк алломалар ҳам бола тарбиясида онанинг ўрни бекиёслигини таъкидлашган. Шу боисдан бўлажак оналари тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинган.

Илгариги замонларда момоларимиз кизларга рўзгор тутиш, оиладаги муомала сирларини ўргатиш билан бир қаторда, алла айтишни ҳам уқтирганлар. Шу йўл билан алла сўзлари, куй-оҳанглари ажодларимиздан ўтиб, бойиб келган. Дарҳақиқат, аллада сеҳр бор, у кишини ўз домига тортади. Халқимизда айтилганидек, энг ахлоқли, покиза онагина аллани маромига етказиб айтар экан. Ха, она алласи чегара билмайди. Барча миллат ва элат гўдаклари аллани тинглаб ором оладилар. Буни эса ҳеч бирон нарса билан чегаралаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Қадимдан оналарнинг ҳаёт кўшиғи алла — деярли унутилаёзганди. Бир даврлар бўлдики, оналаримиз унга унчалик эътибор бермай кўйишди. Мустақиллик йилларида кадрятларимизга кенг эътибор қаратилиб, барча туман, вилоят ва республика миқёсида "Алла" кўрик-танловлари ўтказила бошланди.

Ха, гўдакни вояга етказувчи, тарбияловчи бу муқаддас кўшиқ қанчалик баралла янграса, юртимизда поклик, беғуборлик ва эзгуликлар шунчалик қарор топаверади. Мамлакатимиз бундан-да гуллаб-яшнайверади. Оналар алласи баралла янграб, бешикларимизда гўдаклар улғаяверсин.

Изат АҲМЕДОВ

ALOQACHILAR IJODIDAN

Шеърят кўнгил мулки, илоҳий неъмат. Унга ошно бўлган қалб эгасини ёзишга ундайди. Бунда вақт ва макон, кишининг қасбу кори аҳамиятсиз.

Давлат фелдъегерлик хизмати ходими Маҳмуджон ИМОМҚОРИЕВ ана шундай шеърятга ошно бўлганлардан. Унинг шеърларида Ватанга, оилга садоқат, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат улуғланади. Буни унинг куйидаги шеърларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Сўранг

Калбим ишқин жилосин жамолингиздан сўранг, Меҳру муҳаббатимни камолингиздан сўранг.

Боғимдаги жилвакор камалакранг сирини, Бу файзли юзингиз — узорингиздан сўранг.

Минг шукр, бахтим бутун, қадрү иқболим баланд, Заҳматларим қадрини висолингиздан сўранг.

Мен қилайин хикоят гулга севгим бобидан, Болари ишқин гунча зилолингиздан сўранг.

Райҳонмушки Маҳмуднинг кўнглини қилди қўқлам, Сочингиз бўйин тонгги ифорингиздан сўранг.

Эзгу истак

Хар оним қувончсиз ўтмаса дейман, Дўстларим бевафо бўлмаса дейман. Йилларим бесамар кетмаса дейман, Айтингчи, иложи борму ёронлар.

Бўлмаса инсонда зулм ва нафрат, Қалбларда жўш урса муҳаббат, шафқат. Ўтли юракларда бўлса шижоат, Айтингчи, иложи борму ёронлар.

Адоват чирогин ёкмаса зинҳор, Аксинча, сув селип ўчирса инсон. Сўзларим ёкмасдан қолмаса бекор, Айтингчи, иложи борму ёронлар.

Тош ҳам ёриларкан қаҳр теккан он, Доно камситилар сўзласа нодон. Дунёга эзгулик тилар Маҳмуджон, Айтингчи, иложи борму ёронлар!

Маҳмуджон ИМОМҚОРИЕВ

Қанча жарима тўланади?



— Автомобилда рул бошқараётиб, қўл телефонда гаплашиш мумкин эмаслигини биламан. Агар шундай ҳолат юз берса, қайдоқини қанча жарима тўлаши ҳақида маълумот берсангиз.

Олимжон ТОЛИПОВ
Ромитан тумани



— Аввало шунга айтиш керакки, автомобил бошқараётган пайтингда бутун диққат-эътиборингизни йўлга қаратмоғингиз шарт. Озгина эътиборсизлик туфайли нафақат ўзингиз, балки ёнагрофингизда кетаётган ва йўл ҳаракати қондаларига қатъий риоя қилаётганларнинг ҳам ҳаётига раҳна солишингиз мумкин.

Энди жарима масаласига келсак, Ўзбекистонда автомобил бошқариш вақтида уяли телефонда гаплашиш тақиқланади ва бунинг учун ҳайдовчига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорда жарима солинади. Агар бир йил давомида бундай ҳолат иккинчи марта такрорланса, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорда жарима солинади ёки олти ойга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Шундай экан, яхшиси машина бошқараётган пайтингда телефонингизни ўчириб қўйганингиз маъқул.

Дилшод УСМОНОВ,
ҳуқуқшунов

E'LON

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
қўйидаги лавозимларга танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири:
Телекоммуникация узатиш тизимлари

Доцент:
Жисмоний тарбия ва спорт — 1.

Катта ўқитувчилар:
Техник таълим педагогикаси — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Фалсафа — 1, Телевидение ва радиозшиштириш — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Телефон: 238-64-06.



Эрон устидан муҳим ғалаба

ЖЧ-2014 саралаш баҳси доирасидаги ўйинда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон устидан ўз тарихида илк бор ғалаба қозонди.

Миржалол Косимов шогирдлари саралаш турнирининг хал қилувчи босқичида "А" гуруҳида бешинчи тур учрашувини Техрон шаҳрида Эрон миллий терма жамоасига қарши ўтказди.

Кескин ва мурасасиз ўтган учрашувнинг 71-дақиқасида Уллубек Бақоев ғалаба тўшини киритди. Муҳим учрашувда зафар кучган Ўзбекистон миллий терма жамоаси очколари сонини саккизга етказиб, гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олди ва ЖЧ-2014га чиқиш учун анча қулай имконият ҳосил қилди.

Эрон — Ўзбекистон — 0:1

Гол: У.Бақоев, 71

Ушбу ғалабадан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида 8, Жанубий Корея, Эрон, Катар терма жамоаларида бир хил — 7тадан, Ливанда эса 4 очко бор.

Терма жамоамиз ўзининг навбатдаги учрашувини 2013 йил, 26 март куни Ливанга қарши ўтказди.

Ўзбекистон ёшлар термаси Жаҳон чемпионатида йўлланма олди

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-19) БААда давом этаётган Осиё чемпионатида 2013 йилги Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гуруҳ ўйинларида икки ғалаба ва бир дурани билан чорак финалга йўл олган ёшларимиз 11 ноябр куни Сурия терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Учрашув асосий вақтида 2:2 ҳисоби қайд этилди. 30 дақиқалик қўшимча вақтда ҳам ҳеч бир томон ҳисобда олдинга чиқа олмади.

Пеналтилар сериясида эса омад Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига кулиб боқди. Дарвозабонимиз ажойиб тарзда ҳаракат қилди ва жамоасини Жаҳон чемпионатида олиб чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН — СУРИЯ 2:2 (1:2, 1:0, 0:0, 0:0)

ГОЛЛАР: Игор Сергеев (45), Ихтиёр Тошпўлатов (77) — Хамид Мидо (38), Махмуд ал-Мавас (45+1).

ПЕНАЛТИЛАР СЕРИЯСИ — 3:0

Амад ал-Каддур — 0:0 (дарвозабон); Владимир Козак — 1:0; Холиб ал-Мубаяд — 1:0 (дарвоза тўсини); Сардор Собирхўжаев — 2:0; Махмуд ал-Мавас — 2:0 (дарвозабон); Темур Хақимов — 3:0.

Ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионати ярим финалида Жанубий Корея термасига қарши баҳс олиб борди. Афсуски, Аҳмадjon Мусаев шогирдлари мусобақа финалига чиқа олишмади.

ЖАНУБИЙ Корея U-19 — Ўзбекистон U-19 — 3:1 (0:0)

Голлар: Канг Санг Бу (51, 78), Чанг Чжин (61-пен.) — Игор Сергеев (66).

Қисқа сатрларда:

Оғир атлетика

Мянмада ўтган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўсмирлар ўртасида 62 килограмм вази тоифасида Достон Ёқубов олтин медални қўлга киритди.

Белбоғли кураш

Россиянинг Уфа шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогига 20дан зиёд мамлакатдан 120 нафар спортчи куч синашди. Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини химоя қилган Зоҳид Ортиқов ва Мансур Бахромов кумуш медалга сазовор бўлди.

Шахмат

Лондон шаҳрида ўтказилган "City of London International Blitz" халқаро турнирида ўнга яқин мамлакатдан 20 нафар шахматчи иштирок этди. Тажрибали гроссмейстеримиз Тоҳир Воҳидов олти учрашувда бешта ғалаба ва бир дуранига эришиб, беш ярим очко билан турнир ғолиби бўлди.

Гаяквондо

Ўзбекистон таяквондо ИТФ Федерацияси спортчилари Буюк Британиянинг Браутон шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогига иккитадан олтин ва кумуш, битта бронза медални қўлга киритди.

Ўтавларнинг охириги обод бўлсин

"Матбуот таркатувчи" акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши ва жамоаси компания ходими Уллубек Хонқуловга волидан мухтарамаси

БЎСТОН АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари Олот туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Туроб Эшонқуловга падари бузруквор

Авдиёкул бобо ЭШОНҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси жамиятининг обуна ишларини ташкил этиш гуруҳи етакчи муҳандиси Дилора Гаъзовага отаси

ТАИР ОТАнинг

вафоти муносабати билан таъзия ишорат этади.

Аукцион савдолари хабарномаси!

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган қуйидаги савдоларга тақлиф этади

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қавати)да бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдонини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 94-қарорига асосан "Бухороматлудботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шахар ва туманлардаги ташкилотлари устас фондидидаги улушлари такрорий "Аукцион" савдоларига чиқарилади. Маъмур такрорий "Аукцион" савдолари 2012 йил 18 декабр куни соат 12.00да бўлиб ўтади.

1-ЛОТ. "Когонматлудботсавдо" тўлиқ ширкати устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 64 790 525 (Олтмиш тўрт миллион етти юз тўқсон миң беш юз йигирма беш) сўм;**

2-ЛОТ. "Оломатлудботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 18 725 970 (Ўн саккиз миллион етти юз йигирма беш миң тўққиз юз етмиш) сўм;**

3-ЛОТ. "Ромитанматлудботсавдо" тўлиқ ширкати устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 42 935 260 (Қирқ икки миллион тўққиз юз ўттиз беш миң икки юз олти) сўм;**

4-ЛОТ. "Пешкуматлудботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 16 716 667 (Ўн олти миллион етти юз ўн олти миң олти юз олти) сўм;**

5-ЛОТ. "Вобкентматлудботсавдо" тўлиқ ширкати устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 19 648 700 (Ўн тўққиз миллион олти юз қирқ саккиз миң етти юз) сўм;**

6-ЛОТ. "Ғиждувонматлудботсавдо" тўлиқ ширкати устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич баҳоси 202 607 248 (Икки юз икки миллион олти юз етти миң икки юз қирқ саккиз) сўм;**

7-ЛОТ. "Жондорматлудботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устас фондидидаги 25 фоиз улуши **Бошланғич**

баҳоси 3 540 800 (Уч миллион беш юз қирқ миң саккиз юз) сўм;

Закалат пули миқдори юқоридаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фоизи миқдорига белгиланган.

Талабгорлар диққати!

Аукцион савдосида ғолиб топилган шахс 10 (Ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртномалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузилган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусхаси ва савдода катнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реқвизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ, СТИР: 301480431, МФО: 00120 ДАТ "Асакабанк" Бухоро шаҳар филиалдаги ҳисоб рақами: 20208000504828225001.

Буюртномаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқариладиган мулклар билан танишиш ҳамда ўзинингизни кўзга тирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (3-қават).

Тел: 8(365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

Ҳурматга сазовор эди

Тўйчи ака Солиев алоқа соҳасига меҳр қўйиб кам бўлмади. Уни Ургут туманида кўпчилик билар, ҳурмат қилар эди. Шундай ҳурматга, эъзозга эришиб ўз-ўзидан бўлмаган, албатта.

Тўйчи ака меҳнат фаолиятини 1974 йилда Ургутда почта алоқаси ходимлигидан бошлади. 1992 йилдан бошлаб эса Ургут почта алоқасидан ажралиб чиққан Ургут телекоммуникациялар боғламасида меҳнат фаолиятини намунали даражада давом эттирди. Тўйчи ака яхши инсонларга ёндашган ҳолда вазирилик, меҳнатсеварлик сингари бебаҳо хислатларни ўзида шакллантириб, ўзи туғилиб ўсган Ургут шаҳри ва тумани аҳолиси эҳтиёжи учун умрининг сўнги дақиқаларигача меҳнат қилди. Бешафқат ўлим 2012 йил 25 октябрда 55 ёшли Тўйчи ака Солиевни орамиздан олиб кетди.

Тўйчи ака Солиев олти нафар фарзандини уйли-жойли қилиб, эл қаторига қўшди. Хоёрда улар туманимиздаги нуфузли оилалардан ҳисобланади.

Тўйчи акани билган ва таниганлар билан суҳбат курсангиз, у киши хақида фақат яхши гапларни гапиришди. 2010 йилдан бошлаб у Ургут телекоммуникациялар боғламаси касба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини ҳам аъло даражада бажариб келаятган эди.

Тўйчи ака Солиев номи Ургут халқи ва жамоаси аъзолари қалбига узоқ йиллар яшаш шубҳасиз.

Абдулло ОЧИЛОВ,
Ургут телекоммуникациялар боғламаси ходими



YODNOMA

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, I боб, 5-модда.

Ватан байроғи

18 ноябр — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида қабул қилинган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий аъёнларини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг — тириклик мазмуни аке этган мангу осмон ва оби-хаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садақатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва киноят ёриткичлари билан уйғуллашиб кетади. Оқ ранг — поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли.

3. Яшил ранг — табиатнинг янгилашни рамзи. У кўпгина халқларда навиқронлик, умид ва шодмонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиклар — вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини қудрат ирмоқларини англатади.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий аъёнларимиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам.

6. Юлдузлар барча учун рухоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий аъёнларимиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нужум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз туپроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;



• Янги уйда оилаңиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилаңиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолingan маблағиңиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириши учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади;

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фазанлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатини қўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш эсрабини тежабкорлик ва арзон нархлар гарови.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи курувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЁИХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар кўмакларига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвестиция" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-1152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 13734 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шохўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилади ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-18-05 Қаршида 931-08-99